



4/3-23-сон

2023 йил 12 марта

Солик қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.02.2023 йилдаги ПФ-21-сон Фармони 2-банди иккинчи қисмига мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ишончли солик тўловчиларни инсон омилисиз аниқлаш ва уларга давлат харидларида устунлик берилишини назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилганлигини эътиборга олиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Солик қўмитаси мутахассислари томонидан тақдим этилган ВМҚ лойиҳасини қўриб чиқсан ҳолда, Жамоатчилик кенгаши

Қарор қилди:

1. Ишончли (инсофли) солик тўловчи белгиларини (мезонларини) қуйидаги грухлар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

- солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- молиявий барқарорлик;
- тадбиркорлик фаолиятида тўпланган тажриба.

2. Балларни белгилар грухлари бўйича қуйидаги тарзда тақсимлаш таклиф қилинсин:

- солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш – 60%;
- молиявий ва иқтисодий барқарорлик – 20%;
- тадбиркорлик фаолиятида тўпланган тажриба – 20%.

3. Ишлаб чиқувчиларга асосий мезонлар сифатида қуйидагиларни танлаган ҳолда, ҳар бир грух бўйича мезонлар сонини мақбуллаштириш тақлиф қилинсин:

A. “Солик ва божхона қонунчилигига риоя қилиши” грухи бўйича:

- a.1. “Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш” автоматлаштирилган дастури бўйича солиқ хавфи даражаси
- a.2. ҚҚС тўловчиси маҳсус гувоҳномасининг мақоми
- a.3. Божхона аудитини ўтказиш натижалари
- a.4. Солиқ ёки божхонага оид ҳукуқбузарлик содир этганлик учун юридик шахслар ва (ёки) уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий, жиноий ёки бошқа жавобгарликнинг мавжудлиги
- a.5. Аудиторлик ташкилотлари ижобий хulosасининг мавжудлиги
- Б. “Молиявий ва иқтисодий барқарорлик” гурӯҳи бўйича:
- б.1. ЕВИТА бўйича рентабеллик даражаси
- б.2. Молиявий барқарорлик коэффициенти
- б.3. Узоқ муддатли активлар қиймати
- В. “Тадбиркорлик фаолиятида тажриба” гурӯҳи бўйича:
- в.1. Тадбиркорлик фаолияти муддати
- в.2. Ҳукуқларини суистеъмол қилган ёки сохта битимлар тузган корхоналар билан операцияларни амалга ошириш
- в.3. ЎзРТХБда шартномаларни бажариш тажрибаси
- в.4. Ташқи иқтисодий фаолияти муддати
- в.5. “Ваколатли иқтисодий операторлар” реестрига киритилганлиги.

Кенгаш раиси



М. Перпер